



# ЖОШЛИК САЎБИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 октябрь, шанба, 1994 йил  
Сотувда эркин нархда. № 213 (961)

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШОЛИКОРЛАРИГА

**Қадри дўстлар!**  
Маълумки, мамлакатимизнинг галла мустақиллигини таъминлаш — ҳозирги куннинг энг муҳим иқтисодий масаласи бўлиб турибди. Шу маънода бугун сизлар қўлга киритган катта ютуқ — давлат 215 минг тонна шолӣ етказиб берилгани ҳақидаги хушxabар гоят қувонарлидир. Оғир иқлим ва мураккаб экологик вазият қийинчиликларини оқилона

енгиб, улкан хирмон барпо этган шоликор дехқонларимизни, механизатор-мухтасссларни самимий қўлайман, барчаларига сизат-саломатлик, хуш кайфият тилайман.

Халқимизнинг ризқини бугун, дастурхонини тўқин, эртанги кунга ишончини мустаҳкам қиладиган хайрли ишларингизга муваффақият ер бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ.

### УЛУҒБЕК ҲАФТАЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Париж. 28 октябрь. (ЎА махсус мухбири хабар қилади). ЮНЕСКОнинг Париждаги қароғоҳида бошланган Улуғбек ҳафталиги давом этмоқда. ЮНЕСКОнинг кўтамавларида Мирзо Улуғбек ҳақи, фаолияти, ўзбек мивий санъатининг тарихи ва бурунги ривожини ҳақида хилоқ қилувчи кўргазма Парижликларда катта қизиқини уйғотмоқда.

Сайтлашчус, тарихчи олимлар, санъат мухлислари нисбатан илҳам бу кўргазма орқали Улуғбек даври, фаолияти, тарихи билан танишиш имкониятига эга бўлаётганлар.

Ҳафталик иштирокчилари — Ўзбек олимлари М. Хайруллаев, Ш. Эгамбердиев, Р. Холмуродов Париждаги турин институтларда бўлиб, ҳамкасблари билан учрашмоқдалар. Узаро фикр алмашмоқдалар. Улуғбек ҳаёти ва фаолияти ҳақида сузлаб бермоқдалар.

Делегация раҳбари, Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Шарифхўжаев ҳафталик доирасида Франция Республикасининг расмий вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда. У жумладан, Франция ишбилармонлар миллий кенгаши вице-президенти Жескардэстен, "Франция —

### МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Туркия Республикаси эълон қилинганлигига 71 йил ўлиши муносабати билан ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Буюк элчиси Эрдуган Айтун мухбиримизга куйилганлари таъриб берди.

Ўзбекистонга қўлидан келган барча соҳада ердам бериб, қўллаб-қувватлашда давом этади.

Иқтисодий ва савдо алоқаларимизни ривожлантириш учун зарур шартномаларга асосланган тамал тоши қўйилди. Икки давлатнинг манфаатлари учун иқтисодий ва савдо соҳасида ҳамкорлик ривожланмоқда. Бунинг натижасида 1993 йил охиридан эътиборан узаро савдо-сотиқ ҳажми 250 миллион долларга етди. Бундан ташқари Ўзбекистонда ҳозирги кунда мавжуд бўлган ширкатларга қўшимча равишда Туркиянинг энг катта ширкатлари ҳам ўз фаолиятларини бошламоқдалар.

Маориф ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам бошлангич поғонага нисбатан янги имзоланган маориф шартномаси доирасида ҳозирги кунда янада ривож топади. Ҳар икки давлатда таҳсил олган турк ва ўзбек ешларининг ўз давлатларига фойдали хизмат қилишига, Туркия билан қилинганлигидан сўнг миннатдорчилик нутқида "Туркия Жумҳурияти жаҳонда эгаллаган муваффақиятларнинг алоҳида қисмида Туркия билан бирга минтақавий ва халқаро муаммолар ҳақида Ўзбекистон билан маслаҳатлашувларнинг давом эттирилиши орзусидир. Ўзбекистоннинг Президент ИСЛОМ Каримовнинг раҳбарлигида халқаро миқёсда фаол фаолият кўрсатиши Туркия томонидан қизиқини билан қўзғатиб боришмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистоннинг қўшини жумҳуриятлар — Россия Федерацияси, МДХ ва бошқа қўшини давлатлар билан яхши қўшничилик муносабатларида бўлаётганлиги ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Узаро олий даражадаги чора-тадбирлар, ҳеч шубҳасиз, муносабатларнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади. Шу жумладан, ҳурматли Президент ИСЛОМ Каримовнинг 23 июндаги Туркияга ташрифи фаолликда ижобий натижаларга йўл очди. 19 октябрдаги Истамбул олий даражадаги учрашувга қатнашиш учун Туркияга ташриф буюрган ИСЛОМ Каримовнинг ҳаққонийлиги ва самимийлиги ижобий натижаларга эришишда катта ҳисса бўлди. Яқин келажикда Президентимизнинг Ўзбекистонга ташрифи билан бу муносабатлар яна бир поғона кўтарилади.

Ўзбек-турк дўстлигини қадар утган уч йил ичида Туркия билан Ўзбекистон орасидаги тарихий ринталарга суянган муносабатларимизнинг ва ҳамкорлигимизнинг тенглик, узаро манфаат, ҳурмат ва эҳтиром асосларида ривожланаётганига беҳад мамнунимиз.

Туркия, бозор иқтисодиетига ўтиш даврида иқтисодий

### ШОЛИКОРЛАР ЗАФАРИ

Қорақалпоғистон Республикаси бошқа қишлоқ хўжалиги махсулотларини шоликорлари йиллик режани бажарди. Давлат оморларига 215 минг тонна сара дон топирилди. Республикада етиштирилган пахта ва

Ўзбекистон" дўстлиги гуруҳи Президенти Шарл Гербрант, Франция Президентининг маслаҳатчиси Жан Левӣ, "Франция — Марказий Осиё дўстлиги гуруҳи" президенти, Франция сенатининг Ташки ишлар ва мулофаа комиссияларининг раиси Жак



М. ҲАЗРАТҚУЛОВ.

### ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Самарқандда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда халқ депутатлари вилоят кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги масалалар муҳокама этилди. Вилоят ҳоқими Пулат Абдурахмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартибга мувофиқ вилоятда тақсим этилган 25 сайлов округи бўйича кўрсатилган номзодлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Номзодлар Олий Мажлисга сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олиш учун тасвია қилинди.

### Республика Вазирлар Маҳкамасида ТАБИЙ ГАЗ — ТУГАНМАС БОЙЛИК ЭМАС

28 октябрь кун Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида еқилги-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Комиссия мажлисида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари қорхоналарида газ, қозон-печ ёқилгиси, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш масалалари кўриб чинилди.

Бу соҳадаги ишларнинг аҳолини ўрганиш давомида таъин қўлаб исроф бўлишига олиб келадиган катта нисқонлар борлиги аниқланди. Шу вилоятлардаги қорхоналар ва ташкилотларга ўтказилган тежаш ишларининг беларовлиги оқибатида иссиқлик ва газдан фойдаланиш усқуналарини, иссиқлик тармоқларини тартибга солиш ва яхшилаш чоралари кўрилмади.

Андижон вилоятида газ усқуналаридан фойдаланиш қондаларининг бузилиши, иссиқлик тармоқларини ҳолатининг кўнгилдагидек эмаслиги оқибатида беш фонддан кўпроқ газ нобуд бўлмоқда.

Олтинқўл трикотаж фабрикасида, Андижон чанқобосиди чиниликлар комбинатида, Халқабод консерва заводида, электр мотор заводида ва бошқа қорхоналарда ана шундай аҳоли юз бермоқда.

Фарғона вилоятида истеъмолчилар ўзбошимчилик билан газ тармоқларидан фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Бир қанча саноат қорхоналарида еқилги-энергетика ресурслари исроф бўлишига йўл қўйилмоқда.

Наманган вилояти қорхоналарида ўртача саник фоз газ исроф бўлмоқда, айрим тадбиркорлар эса фойдаланиш учун ҳақ тўламайпти.

Қозон-печ ёқилгисидан фойдаланиш қондаларининг бузилишига заҳарли моддаларнинг қўйилишига сабаб бўлади, бу ҳол минтақадаги экология вазиятига салбий таъсир қилади.

Республика вазирликлари, идоралари,

ташкilotлари, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг ҳокимликлари еқилги-энергетика ресурсларини тежаш чораларини кўригани комиссия мажлисида таъкидланди. Еқилги-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қондаларининг бузилишига йўл қўйган ва илгари қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминламаган раҳбарлар ва мансбдор шаксларнинг жавобгарлиги масаласи кўриб чинилди. Вазирликлар, идоралар, муассасалар, маҳаллий ўзини-ўзи боқарши идоралари раҳбарларининг эътибори мавжуд камчиликлари тўғрисида, еқилги-энергетика ресурсларидан тежаш фойдаланиш юзасидан тушунириш ишларини ташкил этиш зарурлигига қаратилди. Уларга аниқ топшириқлар берилди.

Комиссия мажлисида 1995 йилга автобензин ва дизель ёқилгисини тақсимлаш масаласи ҳам кўриб чинилди. Вазирликлар, идоралар, қорхоналар ва ташкilotлар раҳбарларининг эътибори нефть махсулотларидан фойдаланиш нозорат қилиб боришни кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари Ю. Паёғин, М. Усмонов, К. Ҳаққулов, Р. Юнусовлар иштирок этишди.

### "Халқ сўзи" бонг уради

Туман хўжалиқларида 1993 йил ҳосилининг бир қисми қор остида қолиб, дехқоннинг йил бўйи қилган меҳнати хоёс кетганди. Бу йил эса пахтачилик учун кўкдам ҳам, ёз ҳам қўлди келди. Боз устига кузнинг ўтган икки ойи деярли ёғингарчиликсиз бўлди.

Аммо шу олтинчи кун бадалида режанин олтмиш фозни уздаланди, ҳолос. Агар сурьат шу маромада давом этса, Мирзободда терим мавсуми декабрда давом этади. Тумандаги Улуғбек ва Беруний номи ширкатлар уюшмаларида, Турғун Аҳмедов номи, "Оқ олтин" жамоа хўжалиқларида эса режани бажариш учун шу мулдат ҳам озлик қилади. Бу хўжалиқларда эндигина 50-60 фоз ҳосил саранқолланди.

Хуш, ўтган шунча қимматли кунлар нега бой берилди? Далаларда ҳосил кам етиштирилди, еки теримда ташкilotчилик етишмаптими? Туманиннг учта хўжалигида бўлганимизда бу саволларга аниқ жавоб топилди.

Турғун Аҳмедов номи жамоа хўжалигида хали биринчи терим ўтказилмаган майдонларни кўрдик. Бош ҳосилот Рўзимухаммад Турдибековнинг айтишича, машиналарга мўлжалланган 900 гектарнинг 700 гектариди иккинчи терим ҳосили ҳам тўрибди. Хўжаликда гўза парварши ва теримга тайёрлик кўл учарида бажарилишини ҳар қадарда сезилди. Бегона ўтлардан тозаланмаган пахта майдонлари қилиш сифатида бўлмаганлиги боис буй қўзиб кетган гўзалар шундан далолат берибди. Боз устига айрим далаларини езда ўринчаккана босганлиги ҳам кўзга яққол ташланади. Хўжаликда гўза баргини тўктириш қарий бир ой давом этди. Сизот сувининг ер юзасига яқинлиги туфайли пахтаниннг пишиб етилиши кечикди. Шу ўринда айтиш керакки, экин майдонлари мелiorатив ҳолатининг емонлашини фақат шу хўжаликка тегишли муаммо эмас. Ҳозир Мирзободдаги мингга гектар ерларда ана шу "дади" бор. Очк ва епик зуворларнинг таъмирталаб бўлиб қопчилиши, вертикал кудуқларнинг тулқ ишламаётганлиги сабабли қайта ўривлаш ва ердаги намнинг ортиб бораётганлиги кузатишмоқда. Биргина Турғун Аҳмедов номи хўжаликда 16 та вертикал кудуқдан бор-йўги 4 таси ишлаётганлиги бунга мисолдир.

Хўжаликда ҳосилни териб олишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Мавжуд 27 та машинанинг 20 таси мавсумга тайёрланган бўлса, шундан 15-16 таси ишлаётган, ҳолос. Қолаверса, терим агрегатларининг иш унуми ҳам паст.

Бош ҳосилот билан дала айланар эканамиз, пахта майдонларидидаги кўра кўча-кўйда бекорчи оқушларни аниқ кўришди. Кимдир олтин боқиб юрибди, кимлардир кўча бошида гурунглашиб

### БУЛТУР БАҲОҶА «ОБ-ҲАВО» ЭДИ, БУ ЙИЛ-ЧИ?

жалб этиш борасида моддий ва маънавий омиллардан дурустроқ фойдаланилмаган кўринадди. Бундай ҳол қўшини "Дехқонбод" ширкатлар уюшмаси раҳбарларига ҳам хос экан. Уюшма раиси Мустафоқул Уроловнинг айтишича, 430 кишидан 340 нафари теримда иштирок этмапти. Устига устак, бу хўжаликда ҳам мавжуд терим машиналари тулқ ишлашмапти. Жумладан, Зокиржон Усмонов бошчилик қилган 2-ширкатда 21 октябрь кун 9 та машинада 5 таси ишлади, ҳолос. Шу ширкатнинг бригада бошлиғи Даврон Далабоевни дала бошида учратдик. Шундай қўлаб об-ҳаволи йилда, авваллари бемалол 30-35 центер ҳосил олинган ерда режа учма уч бажарилаётган экан. Бригада бошлиғи шуларни таъриб берди:

— Чилпишда хато қилдик, — дейди у. — Уруғлик чинг ҳам сара эмас эди. Яна ҳосилнинг бир қисмини ҳайратотга олдириб қўйдик.

"Оқ олтин" жамоа хўжалигиндан Исроил Турғунов бошлиқ бригада ҳам режани уздалаш арасида-ю, аммо бериштиришди бу йилги ҳосилдан қўнлиб тўқ эмас.

Гўза парварши вақтида ўтказилгани, — дейди у, — лекин бирон чаноқда 6-7 еки 8 талдан ортиқ чингил пахта толасини кўрмдик. Турғуннинг айтмас, гўзалар ўғитта тўлмади.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Раҳматулло Салимов унинг гапига қўшилди. У бу хўжаликка августнинг охирида раисликка сайланган. Авангли ва

ундан олдинги раҳбарлар бир вақтлар машур бўлган бу жамоа хўжалигини қоқлик ботқонига ботириндан ўзга иш қилишмаган. Янги раиснинг айтишича, хўжаликка гўза биринчи ишлов бериш ўғитсиз амалга оширилган. Оқибатида кўкдамда берилиши керак бўлган ўғит августда етатларга солишган. Аслида сизот суви ер юзасига яқин бўлган бу хўжаликда суворини август ойида тўктириш лозим эди. Кечикиб беришдан ўғитнинг нафидан кўра зини кўп бўлди. Ердга намнинг сероблиги пахтаниннг очилишини кечиктирди.

Ҳозир Сирдарё вилоятининг бошқа қўлаб хўжалиқларида ҳам ҳосилнинг тарози босмаётганлиги ҳақидаги гапларини эшитиш мумкин. Гап шундаки, вилоят

ўстирилмоқда. Туман еки вилоят миқёсида айтилганга бўлса, бу муаммо янада катталашди. Ҳозирда вилоятнинг қўлаб хўжалиқларида уруғлик ва нав муаммоларини ҳал этиш устивор вазифалардан бири бўлиб турибди. Дехқонларнинг айтишича, уруғликнинг сифатсизлиги боис бир эгизда уч-тўрт навли пахталарни санаш мумкин. Бир вақтлар яхши самара берган навлар эндиликда араланиб кетиб, сифати бузилибди. Шу боис толаннинг ҳам сифати паст, чинг эса пуч бўлиб қолаётган. Бу қилинган меҳнатга араша ўлмай даромад олишни таъминламайди, албатта.

"Оқ олтин" жамоа хўжалиги раиси Раҳматулло Салимов хўжаликни қоқликка юз тутишини одамларда

пахтага ва ишга муносабат аввалгидек эмаслиги билан изоҳлади. Эҳтимол, раис ўз хўжалиги шартини таъкидлади. Чунки, сўнги йилларда хўжаликда даромад ҳаминқадар бўлиб қолганлиги, қолаверса, шаҳар яқинлиги туфайли бу ерда япловчи аҳолининг ақсарияти шаҳардан ва бошқа фойда кўпроқ жойлардан иш топишмоқда. Аммо кўп нарсга раҳбарни боғлиқ. Раҳбар ташкilotчи ва ишбилармон бўлса, дехқоннинг рўзори тўқини, қўнати пулга тўла бўлиши аниқ. Афсуски, учала хўжаликда ҳам пахтакорларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг рўзгор таъминларига а шерик бўлиш борасида тузулроқ тадбир рўйбога чикарилмаганлиги маълум бўлди. Вазоанлик, вилоятдаги марралдан ўзган барча хўжалиқларда масланиннг мана шу томонига жуда яқин эътибор берилган.

Хуллас, Мирзобод туманида етиштирилган ҳосилни йиғиб териб олиш пайсалга солинмоқда. Туманидаги 306 та терим агрегатининг 175 таси ишлашмапти, ҳолос. Бу ҳам хали қозғоғалди гап. Сурьат эса кўп сайин пасаймоқда. Агар 20 октябрь кун туманда режанин 1,40 фозин микдориди пахта тайёрланган бўлса, 21 октябрда 1,08 фоз ҳосил саранқолланди. Агар терим мароми шундай пасайиб бурса, режа декабрда пахта уздалмаслиги аниқ. Аммо гап режада ҳам эмас. Ҳосил бултургидек ерда қолиб увол бўлмаса бас. Туман хўжалиқларидаги сусткашлик кўнлиб шундай хавотир уйғотди.

Ахматдан ШЕРНАЗАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

### ЖАМГАРМА ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Матбуотини қўллаб-қувватлаш жамгармасининг пленуми бўлди. Унда жамгарманиннг бир йиллик фаолияти кўриб чинилди. Жамгарма бошқаруви раиси З. И. Есенбоевнинг шу ҳақдаги ахбороти тингилди.

Пленумда сўзга чикканлар жамгарма ишида муайян сиқийиш борлиги, аммо ҳали қўзланган мақсадга еришилмагани, бу борада ишни янада жонлантириш зарурлиги, газета ва журналлар нашр этиш масалаларига эътиборни кучайтириш, муассислар билан жамгарма ўртасидаги алоқаларни шартнома асосида тақомиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда жамгарманиннг бошқарув раёсати сайланди.

жамгарма ишида муайян сиқийиш борлиги, аммо ҳали қўзланган мақсадга еришилмагани, бу борада ишни янада жонлантириш зарурлиги, газета ва журналлар нашр этиш масалаларига эътиборни кучайтириш, муассислар билан жамгарма ўртасидаги алоқаларни шартнома асосида тақомиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, йиғилишда жамгарманиннг бошқарув раёсати сайланди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати Фарғона вилоят ҳокимининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Олий Кенгаш Иқтисодий ислохот, бюджет севати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитасининг аъзоси Насимбек Холӣбердиевнинг Раҳимов 27 октябрь кун 50 йилда бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилди ва марҳумнинг қариндош-уруғлари ҳамда ақилларига ҳамдардик билдиради.



# ИЛОЁ, ЮРТИНЧИЗДАН ЛАЙЛАК КЕЧАТМАСИ!

Саид АҲМАД, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Минбулоқ нефть қудуғига олиб борадиган йўлдаги банд қувонч электр симларини тортиб турган қатор туман минараларнинг ҳар бирида биттадан КАМАЗ йилдирмадек сават уя. Шу уяларда лайлаклар бир оёқда қимирламай туришибди. Мўқайган чол опичлаб олган тўрт ёшлардаги бола уяларни "сақиз, тўққиз, ўн", деб санаб келяпти. Ногоҳон лайлакларнинг биттаси тарақ-тарақ, деб сайраб юборди.

**БОЛА.** Опоқдадажон, лайлак ногоҳа чалаятими!  
**БОБО.** Йўқ, болам, лайлак: бу йил кетмаймиз, Наманганда қишлаб қоламиз, деяпти.  
**БОЛА.** Негга кетмас экан!  
**БОБО.** Наманганимиз яхши-да, болажоним.  
**БОЛА.** Ҳамма жойданам яхшими!  
**БОБО.** Яхши бўлганда қандоқ-ки, дунёда Намангандан яхши жой йўқ.  
**БОЛА.** Негга Наманганимиз яхши!  
**БОБО.** Неггаки Наманганда сен туғилгансан-да қўзичоғим. Лайлаклар, "шу боланинг тўйида ўзимиз ногоҳа чаламиз" дейишпти.  
**БОЛА.** Урей Яшасин, лайлаклар!

## ЁНГАН ДАЛА

(Задаре туманидаги Навоий номи жамоа хўжалиги бригада бошлиғи А.А.Тухтаевнинг интервью учун тайёрлаган жавоблари).

Мени кечиринг, шунча йил юрт кезиб, пленум-активларда, сессияларда қатнашиб, нугуллар сузлаб, негизин интервью деган гапни эшитмаган эканман. Раисимиз Абдусаттор ака, олдинта матбуотдан одам боради, уялмасдан интервью бериб юбор, десалар, бу нима экан, деб сурадим. У киши ҳам яхши билмас эканлар, ҳар эҳтимолга қарши орден-портделарини тақиб ол, десдилар. Айтганлардан ҳам зиёда қилиб тайергарлик қилиб қўйдим. Печтаки орденим, медалим бўлса жаранглаб тақиб олдим. Ювеним, тарандим. Кечирасиз, неча ёшга киргасиз? Етмиш тўртга? Мен ешроқ мухбир келадим, деб ўйлагандим. Эсингизна, қилган пардозларим бекор кетди. Аслида сиз биронта бригадир кампирдан интервью олсангиз бўларкан. Мендан таржимаий ҳолимни сураясиз. Менда таржимаий ҳол нима қилади. Инқилобга қатнашмаганман. Уруш пайтида мен йўқ эдим. Қандоқ бўлардим, ҳали тушулмаганман-да. Биласизми, саккин эпимда далага чиққанман. Аввал дўшпимга, кейин рўмонимга ундан кейин этайимга пахта терганман. Шу далага чиққанмида ҳалигача даламан. Иккинчи синфда ўқитганимда Ўзбекистон Олий Кенгашининг "Фахрий ерлик"ни олганман. Ҳозир Худода тоқ, сизга елгон бир-неча фахрий ерликим бор. Кўп қўлимимга, ҳазил қилишимга ажабланманг. Уям шунақаман. Ҳазилга ўчман. Дугоналарим кўзинида шайтоннинг бор, ўлугдек шаддонсан, эркалар билан аския айтишинида бало борми, дейишди. Яқинда Президентимиз даламга келдилар. Ғўзаларимни кўрсатдим. У кишига маълум бўлди. Эндигина биринчи терим оқлаётган пайт эди. Шу десангиз, ушундаёқ планим чоракман юз фоиз бўлган эди. Президентимиз елкамга қоқиб, балли қизим, деб миннатдорчилик билдирдилар.

Ана ўшундан бери даламдан мухбирларнинг оғи узилмайди. Бирни келиб, бири кетди. Қайси бири мухбирга қайси бири совчилигини билдирмай қоламан. Яқинда биттаси келиб роса гапта тутди. Танишайлик, дейди. Ишларим билан, ўзим биланми, дейман. Майли, ҳазилина бас қилайлик. Бундан икки йил олдин келганингизда далаларимни кўриш... Қўйинг, кўнглингизни сиқиб нима қиламан.



Задаре тумани "Задаре" жамоа хўжалигининг 1-агротехника қарашли 2-бригадаси аъзолари бу йил 98 гектар ерда пахта етиштириб, ҳар гектар майдондан 30 центнердан ҳосил илғиб-териб олишар. Масжид бригада етакчиси Мамасиддиқ ака Қимсанов 41 шидирки ёшларини медрбои муборбаъси.

**СУРАТДА:** туман ҳокими Иброҳимжон Собиров, илгор бригада бошлиғи Мамасиддиқ Қимсанов ва ўз "зангори кема" сида бригада хирмонига 100 тоннадан зиёд жавоҳир билан ҳисса қилган мухбир механизатор Раҳмонли Иғтилошев пахтазорда.

Тоҳиржон ҚАМРОҚУЛИ олган сурад.

Ўшунда оқ товуқларим қора бўлган пайларга эди. Бу гапларнинг товўққа нима алоқаси бор, деб ўйлаясиз-а. Алоқаси бўлмасга гапирмасдим. Бир меникчи эмас парранда фермасидаги оппоқ товуқларнинг ҳаммаси янги қилишга ўхшаб қон-қора бўлиб қолган эди. Манаву сават уяларда бир оёқлаб турган бечора оқ лайлаклар ҳам чўпга илб қўйилган амиржон маҳсидек қонқора бўлиб кетганди. Нефть фонтани ениб кетганда осмондан бир ой қурум экқан. Бир ойда туманмизда қандоқки оқ нарсга бўлса бари қорайиб, ялтирак кетганди. Нима учун бу гапларини айтганиман. Ана шу нефть отилиб чиққан қудуқ бригадам даласининг қок ўртасида. Ер экинга тайерланган, бир икки пайлак чигит ҳам қандаб ултириган эдик. Шу ерларим тизба бўйи нефть тағдқа қолди. Бу ҳам етмагандек шу қорайиб лон этдию энди кетди. Лов-лов снаетган даламга қараб кўз ешларимни тўхтаётмайман. Ҳолимиздан хабар олгани, химдарлик билдиргани Президентимиз келдилар. Утти ўчириш учун ҳамма чораларни кўрамиз, деб қўлимизни кўтариб дала бердилар. Бир ой ўтиб алағга ўчирилди. Кучли будоэслар мўмдек қотиб қолган нефть қатламни суриб ташладилар. Ер очиб, яна шудорини бошладик. Одамлар бригаданга бошқа жой қидир, дейишди. Қўймидим. Ҳосили бир центнер бўлса ҳам шу қадрон даламда деҳқончилик қилман, деб туриб олдим. Косагига нефть епинган жўзларига чигит қададим. Бу жувон бекорага овора бўляпти, деганлар ҳам бўлди. Ичинда, э, Хуло, шарманда қиламан, деб

қўяман. Йўқ, қўчат бир текис униб чиқди, бир қувондим. Биринчи чопиқда ана бир қувондим. Шоналаганда ана бир қувондим.

Мана қўриб турибсиз, икки терим бўлган далада бир вақтлар тизза бўйи нефть бор эди, ер ўт ичда, алағга ичда қолган эди деб ким айтди. Шундай қилиб олтиш гектар шу даладан 180 тонна пахта териб олдик. Ҳозирча ҳосил гектар бошига 30 центнердан бўлиб турипти. Қаранг, эҳда, ҳали қанча пахта бор. Тағдқа қорамой, тепасида оппоқ пахтаси бор далам нимага ўхшайди. Қани мухбир бўлсангиз бир ўхшатиңчи. Йўқ, тополмадингиз, Чуст дўшпасига ўхшайди, тўғрими? Интервьюнинг охирида айтман, деб асраб қўйган битта гапим бор эди, энди шунин айтгай. Даламиз 222 дейишди. Биласизми, нимага шундоқ дейишди. Яхшилаб қўлоқ солиңг. 1992-йилнинг 2-мартида нефть отилди. 2-апрелда ловулдаб ениб кетди. 2-майда ўт ўчирилди. Ана энди шу икки ениб ениб кўсангиз 222 бўлади. Қаранг, инсон ҳукмига бўйсунган нефть қувурдан оқаяпти. Насос йўқ, ўз босими билан чиқаяпти. Бу ҳам Ўзбекистонимизнинг бахти.

Мабодо бу жойларга ана келмоқчи бўлсангиз автобуста ўтиринг-да, мени 222 га ташлаб ўт, десангиз, тўша-тўғри шу ерга олиб келадим. Энди, бошқа гапингиз бўлмас янмига борай. Эътиборингиз учун раҳмат. Айтганча сувратим керак бўлса туман газетасининг фоточисидан олишингиз мумкин. Хўп, хайр.

## КУШОН МАЛИКАСИ

Илм аҳли даврасида гап айланиб Кушон империясининг пойтахти каерда бўлган, деган масала ўртага тушиб қолди. Бирор Термез яқинида бўлган деса, яна бошқаси Қарши яқинидаги Косон қишлоғи ўрнида бўлган, деди. Лекин биронтаси ўз фикрини илмий далиллар билан исботлаб беролмади.

XII асрда яшаб ижод қилган ҳуқуқшунос, фахик, мударрис Абубакир Ал-Косоний Наманганининг Косонсойида бўлади. Бу улур зот тирикчилидаёқ маликул калом унвонига сазовор бўлган. Нақшбандий тариқатининг бекиес намоянчаси, Нақшбанд таълимотини изоҳлаб берувчи ўттиздан ортиқ илмий асар яратган шайх Маҳдуми Аъзам Косоний, XIX аср бошларида яшаб ижод қилган шоир, хаттот, меймор ва мусавир Муҳаммад Амин хўжа Муниший Косонийлар ана шу Косоний фарзандлари эдилар.

Баъзи илмий фарзаларга қўра Кушон империясининг пойтахти шу ерда, ҳозирги Косонсойда бўлган. Кўшон, Копен ва ниҳоят Косон деб аталган бу сўлим гўшада ўнлаб Косоний тахаллууси билан шоирлар, олимлар, наққошлар, мейморлар яшаган. Агар сиз Намангандаги "Мерос" суёйига кирсангиз ўттизга яқин Косоний ҳаёти билан танишасиз. Кичкинагина бир шаҳардада шунчалар кўп илм ва ижод аҳлининг бўлишига сабаб нима? Олим ва мутафаккир Қўлчи Бурхон ашонинг шу Косонда узоқ йиллар яшаб, қанчадан қанча илмий ашъорлар битгани бекиз эмасдир.

Ҳавоси минг дарда даво, суви танин яйратадиган бу жой қанчалаб шохлар, амирлар хонларнинг кўзини ўйнатган.

Бобуриун отаси Умаршайх мирзо ўттиз километрдан ортиқ паст баландликлардан сонод қувурлар орқали Ахсикентга Косоннинг сувини олиб келганди. Ҳозир ҳам ўша сув йўлидаги қувурлардан аллақачончаси сақланиб қолган.

Майли, Косоний Қўшонлар давлатининг пойтахти бўлганими, бўлмаганими, бунинг ўз мутахассисларга қўйиб берайлик. Гап бутунги Косоний ҳақида.

Қисқача маълумот.  
Ери 16691 гектар. Пахтазор 6483 гектар, бор 2 минг гектар, галла ерлари 5250 гектар, узузмор 800 гектар, сабзавот 463 гектар, қартошка 300 гектар.

Бу йил Косоний давлатга 4500 тонна узум, 18000 тонна сабзавот, 3500 тонна меса сотди. Йил охирига бориб 17 минг тонна пахта сотади. Марказий Оснеда энг ширин, энг серсув нок фақат Косонсойда бўлади. Косон ноқининг таърифи етти иккимга кетган.

Бу гаплар айтшга осон. Далаларни тоғ ембағлариди. Дўлу селлар тез-тез хуруж қилиб туради. Ҳафтаёла дала тепасида қора булутлар чақмоқ чақиб, туриб қолади. Бир пайлар шу булутларни тарқатиш учун тўрт-бешта замбарак шай бўлиб туради. Замбарак отанди ҳам булутлар бир дини кучоқлаб тураверिशарди. Дўлу селлар боғбону деҳқонларни доғ қолдирган пайлар кўп бўлган. Дўллар саваллаб кетган пайларда меҳнатига қуйиб қолган боғбонлар тулларни тўқилиб ялангоч қолган нок наваларига мунгайиб қараб бош қайчаб қўярдилар.

Бу жойларга баҳор кеч келиб, эрта куз тумашди. Боғбону деҳқонлар табнат билан олишиб ҳосил етиштиришарди. Косоний аҳолиси йилдан йилга кўпайиб борапти. Уларни иш билан банд қилиш энг зарур тадбирлардан бири бўлиб қолди.

Икки йил бўлди туманга вилоят ташкилотларида ишлаб тажриба ортирган косонийлик Тоҳирахон Матризаева ҳоқимликка сайланди. Туман ҳокимиси дала айланиб, маҳаллаларда юриб, одамлар билан гапшилаб аҳолини иш билан таъминлашнинг бирдан бир йўли сановтин ривожлантириш деган қарорга келди. У ишни мавжуд шоҳи тўқин, пойафзал фабрикаларини, пахта заводини кенгайтиришдан бошлади. Ана шундан кейин саноят ишлаб чиқариш маҳсулоти етти мерим кўпайди. Италия билан ҳамкорликда иш бошлаган "Карера" фабрикаси турли кийим-кечаларни тикишни ўзлаштирди. Қанчадан-қанча одам ишли бўлди.

Туман санвати тўққиз ойда 28 ярим миллион ўринга 32 ярим миллион сўмлик иш бажариб, топириқини 112 фойзага уладди.

Туман санвати йил сайин эмас, ой сайин ривожланапти. Шу йилнинг охиригача 300 тонна пилгани қайта ишлайдиган фабрика ишга тушади. Келгуси йилда эса 6 минг тонна пилгани қайта ишлаб пировард маҳсулот берадиган комбинат ишга тушиб, "Карера" комбинати билан бирлашиб кетади. Ана ундан кейин туманнинг 11 минг кишини иш билан таъминланади.

Косоний ҳокимисига халқнинг меҳри тушиб қолди. Энди уни Косоний ҳокимиси эмас Кушоний маликаси, деб аъвозлайдиган бўлиб қолиши.

Кушон маликасининг оғеида этик, дала айлангани айлантаган. Қўрилиш майдонларида тўпурак кечиб, ишаниб бориши билан танишди.

Туман марказида ниҳоятда чиroyли бозор пайдо бўлди. Намозхонлар илтимоси билан эски масжид кенгайтирилиб нақшини оғеи билан оро берилди.

Косонийлик усталар гишт теришни бир санъат даражасига кўтарган мейморлардир. Улар терган гиштларни кўрган ҳар бир одам қўли худ усталарга тасаннолар айтаяди.

Шу қушларда марказдан олис Чинцовул қишлоғида ана бир гузал гўша дунёга келяпти. Қишлоқ халқи учун бозор, дам олиш маскани пайдо бўляпти. Вақирлаб қайлаб турган булоқлар мармар ҳовузларда фонтан бўлиб отиладди. Бир эҳда ноябфонга, бир эҳда ошқона, қани дараклар пинжада сўлим елдиқ хойхона.

Косоний марказида ҳаммаёқ озода, саранжом саришта. Туман марказига эмас, янги келин тушган ҳовлига келиб қолдим, деб ўйлаясиз. Куз охирида, дараклар ялангочларни қолганига қарамой йўлларда биронта хазон кўрмайсиз.

Кушон маликаси эрта азонлаб шаҳар айландади. Бутун нималар қилиш кераклигини ҳали ҳам қўм-қўқ сочларини тоғ елларига тутган мажнунтолар тағдқа кезиб, режа тузади.

Агар Наманганга йўлнингиз тўшса Косонийга бирор келиб кетишни унингман. Айтганларимнинг бари чин эканингиза ўзингиз икорор бўласиз.

## БУГУН МОВАРОУННАХРДА

Сир билан Аму оралиғидаги юртларни Мовароуннахр деб атаганлар. Бу жойлардан жаҳон фанини елкасида кўтарган машхур алломалар, олим фузалолар етишиб чиққан.

Ипак матолари, кўзни ўйнатадиган қорақўл мунайари, пашша қўнаса осеги тоғиб кетадиган ойнадек сийлиқ чарылари, санаб адо қилиб бўлмайдиган сўнгсиз туя қарваларига ортилган той-той пахталари дуне бозорларининг энг харидорчи моллари бўлган. Наманганда ҳам

мана шундай Мовароуннахр борлигини кўпчилик билмайди, билса ҳам эътибор бермаган.

Мовароуннахр — даре оралиғидаги юрт, дегани. Норин билан Қоранде дареси бағрига олиб турган Норин туманини ҳам бемалол шундай атамас бўлади, деб ўйлаёман.

Бир вақимачи шоир Норин далаларини шундай таърифлаган эди. "Худо урсин, елгон айтсам, бу жойларга велосипед эксанг "Волга" кўкариб ўсиб чиқали".

Серҳосил далаларининг елкаси Учқўрғонга, этайи Андижоннинг Избаскану Пахтабонига тегиб туради. Бу жойларда биттан беҳи эмби олтиннинг ўзи, хусайнисини кўриб бу йил пилла роса бўптику, деб ўйлаясиз...

Ана шундай олтинга тенг ерлардан ҳосил ололмай доғда қолган норинликлар икки йил бошларини кўтаролмай, давраларда кўзларини яширишга жой тополмай қолиши.

Авалли йили пахта плани атиги 75 фойза аранг етдию тақда тўхтади. Бу ҳам ҳовъ экан, ўтган йили ундан ҳам баттар бўлди. 60 фойзадан нарига ўтолмай тухирлик қилиб олди.

Ана энди бу хижолатлигини кўринг. Норин аҳлининг тўйи тўй бўлмади. Қарнағчисини ҳам лужини пишириб пуфломлади. Сурнайдан йилганга ўхшаб овоз чиқадди. Ногоҳаси ўлтир тарақламай паққос пўжйлайдди.

Туманим мана ман деган қўш белбери, бошдан дўшписи тушиб кетса ўзи эғлимай, бирорта кўтарилгандаларининг валдоматлари бир жойга тўшланиб, "Хўп, бошимизни кўтаролмай, йўлдаги тошларни санаб юраверамизми, е бошқача иш тутамизми", деган саволини ўртага ташлашди. Биттаси, агар бетимдаги қора доғни бу йил юволимасам, Нориндан кўчиб кетаман, деб қолди. Яна бири, тўқсон туртинчи йилда бу йили қарзимни узамас хотинимнинг рўмонини ўрайман, деди. Бошқалар, ҳой, ҳой, катта гапирма, деб унга дашмон бершиди.

Хижолатлик жон-жонидан ўтиб кетган ориятли бу кишиларнинг, эр йититинг улгани улгани, дегандек аҳди қатий эди.

Табиатнинг биз билмаган сир асорлари кўп. Ўзган тоғлари тепасида пайдо бўлган қора булут Қоранде устидан юриб, қачин чақиб Мовароуннахр устига еприлади. Арслонбоп тоғларида пайдо бўлган қўрғондек қора булутлар Норин дареси бўйлаб юради. Албатта Ҳаққулоб тепасида кўзеси қилиб ўтади. Табиатнинг ҳеч қайси "об-ҳаво" маъ умоти қайд этмаган ўйинларини норинликлар жуда яхши билишади. Булутнинг қанақалигига қараб, "оббо, Норин тепасида мушакбозлик буладиганига ўхшайди", деб далада шайлашиб туришади.

Ердан қор кетмай тумандаги ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси далага чиқди. 7801 гектар пахта майдонининг ҳамма ерида ариқ-зовурлар тозаланди. Қўриқлар таъмир қилинди. Далаларга пешма пеш ўнит ташиб келтирилди: Ерининг нами қочиб билан тракторлар ер ағдаришга тушиб кетди. Офтоб елкани қиздира бошлаши билан экин агрегатлари пайкаллаларга етиб келди.

Уша кезлари туман ҳокими Хусанбой Ғайибов дала бошида бир дақиқалик йиғин қилди.

— Айтдиған гапим йўқ. Фақат ўтган кузда ичган қасамларингизни эсингизга солмоқчиман. Кўр ҳассасини бир марта йўқотадим. Биз икки марта йўқотганимиз. Шу эсингиздан чиқмасин. Қани, омин!

Ана шундан кейин экин машиналари туриллаб, қафтдек текис далага чигит қадай бошлади.

Қани энди, шу билан иш битсаю қадаган чигитнинг кузга бориб пахтага айланса. Йўқ, бу чигитнинг йўлида қанчадан қанча говлар пайдо бўлади.

Норин тумани даре екасида бўлгани учун езда сув бўлгани намариялик миқдори осоди. Ана шундай шароитда турли зараркўнандлар гинирлаб қолади. Айнакча ўрғимчак кана деган бало гўзаларга епишиб олади. Ҳамма баробар сеққа қалди. Энди тиңчилик дейишганда кўсақ курти пайдо бўлди. Бу курт кўсақни тешиб ичига кириб олади. Курт таштан кўсақдан умид қилмасча ҳам бўлади. Олиндиған тогани булак бўлаб қилиб ташлайди. Қўпдан куен қўтилмаас, дегандек бу балони ҳам даф қилишиди. "Токшент", "Бўстон" жамоа хўжалиқларида миришор деҳқонлар кўп. Даствавал шу хўжалиқларнинг ери ҳашаротдан тозаланди. Улардан ибрат олган бошқа хўжалиқлар ҳам далаларини тозалаб олинди. Абдумалик Отақўзиев, Мўйдин Абдураҳмонов, Қурбонали Саидов, Саттор Жақбаров сингари 60 дан ортиқ тажрибали бригада бошлиқлари гўзаларини эсон-омон офатлардан асраб, тулларни шопага айланттириб олдилар.

Ариқ бўйлари зах тортиб, сувлар пишадек тиңиқди. Зангори осмонда мезон олишиб худайла бошлади. Бу куз келганидан хабар эди. Урикзорлар қип-қизил бариб кўрпасига бурқанди. Йул еқларидиғи қатор туллар, ана барг тўқаман, мана барг тўқаман, деб қун савашпти. Фақат мажнун тоғларига сочларини силкитиб хувиллаб қолдиган далаларга фазз киритиб турибди.

Анорлар узиди, олмалар ашшкча тушиб. Узумлар шиффта осиди. Энди навбат келинчакнинг рўйжаасидек оппоқ, беғубор пахталарга келди.

Тумандаги "Катта Ўлмас", "Ғалаба", "Бўстон", "Токшент", ҳамда А. Шамсуддинов номи жамоа хўжалиқлари биринчи бўлиб терим машиналарини далага олиб чиқиди. У. Камолов, Ж. Давронов, М. Каримов, Ш. Икромов ва О. Олимов сингари меҳаник ҳайдовчилар биринчи машина теримини бошлаб бердилар.

Ўтган йилги кузда қасам ичган бригада бошлиқлари тиним нималигини билмасдилар. Тоғ отмай далага чиқиб, қоронгида уйга қайтишарди. Ҳоқим уларга ҳазил қилиб, келин яқини гўмоллари юзадорқ туртибдими, керак бўлиб қолса қидириб юрманг, деб ҳазил қилар, ана биринга, эҳтиётдан юкларингизни туғиб қўйинг, кўчиб кетиш керак бўлиб қолса шошиб қолманг, деб ичган қасамини эслатиб қўярди.

— Э, нима деясиз. Норинда туртидим, Норинда ўламан, — деб жавоб қиларди. Яна бири:

— Онамиз ўлиб бола қилиб тўққанлар, — дедди.

Пахта деганингиз чуноман оғилб бердики, қани, териб ултириб бўлса. Олдин меҳаниклар бир мавсумда 150 дан то 200 тоннагача пахтаин хирмонга тўқидилар. А. Шамсуддинов номи жамоа хўжалиғидан М. Исмоилова, "Норин" жамоа хўжалиғидан М. Деҳқонга, "Бўстон"дан Тўрабоева, "Токшент"дан О. Аскарвалиев 8 тоннагача пахта териб хирмонга тўқидилар. Ниҳоят 21-октябр куни 24500 тонна пахта хирмонга уюлиб йиллик режа бажарилди. 69 гектар ердан 31,4 центнердан ҳосил олинди. Умумий ҳосилининг 65 фойзи машиналарда терилди.

Бир-икки териб ўтилган далаларда қолган қўсақлар ҳам пешмапеш оғилб турибди. Норинлик пахтакорлар ўз қасамларига содиқ қилиб, хирмонга ана 3000 тонна пахта тўқиб, умумий ҳосилин гектар бошига 36,2 центнерга етказиш учун астойдил киришишган.

Норин тумани пахтакорлари вилоятда иккинчи бўлиб зиммаларига олган вазифани шароф билан адо этидилар.

Қасам ичган йигит хотинига: "рўмонинг ўзингга буюрсин, белбоғини олиб қўй", деди.

Бошқас тугиб қўйган юкларини терга ботиб уйга таший бошлади. Мард йитиларининг ишпа мана бундоқ бўлади.

## АМЕРИКАЛИКЛАР "О КЕЙ" ДЕГАН ХЎЖАЛИК

Америкалик бир гуруҳ қишлоқ хўжалиғи мутахассислари хирмонга келадиган қишлоқнинг этайидан бир сикма пахта олиб гинжимлаб, чўзилаб, ўз қўзларига ишонмай ойнак тақиб, бошқадан қаратган, бунга ҳам қаноат қилмай қилди ҳам кўрган, охири тан бериб "О кей, о кей" деган пахта Ж мйла Каримова даласида етишган эди. Бригада қизлари аввалига бу "о кей"деганини нима дегани экан, деб хайрон бўлишган эди. Кейин билишса қойил, қойил, дегани экан.

Туман ҳокими Жамолжон Сиддиқов эрталаб табаррук онахон, вилоят пахтакорларининг сардори, бир вақтлар пахтакор республикаларга шахмат усулида (ҳозирги квадрат уялиб) экинши расм қилган Тожихон Аскарванов эиерат қилгани уйига кирган эди.

Онахон болаларга насиба, ўзим етиштирганман, табаррук, деб, машинага тўртта анор ташлаб қўйган эди. Сиддиқов шу афорларни олиб меҳмонларга биттадан берди.

Ҳар анорларки замбаракка солиб олсанг бетон деворни қулатади.

Ичидаги доллари пўстини туртиб ташқарига чиқиб кетаман, деб турибди. Анорнинг оғирлиғидан қўзлари толган меҳмонлар уларни машина қаюти устига қўйишга мажбур бўлишди. Шунда улар ана, "О кей, о кей" деб юборишди. Раис Қўтибидин Қосимов "камтарлик" қилиб, шу ҳам анор бўлгани атиги футбол тўйида сал каттароқ халос. Тарвуздеклар ҳам бор, дея қулиб қўйди.

Бу воқеа яқиндагина тўғри эди. Ўшундан Қозоқжон Салиев номидаги жамоа хўжалиғи йиллик пахта тайерлаш вазифасини адо этиб 800 гектар ердан олинган 2700 тонна уруғлик пахта устига қўшимча топираётган пайт эди.

Бу хўжалиқнинг пахтасини машинада териб бўлмайди. Ҳосил шучалик қўшиқ, гўза тушлари ҳосилини кўтаролмай етиб қолади. Уни фақат қўлда териб керак. 800 гектар майдондаги ҳосилини қўлда териб осонми, деб ўйларсиз.

Хўжалик биқинида. Аҳоли кўп. Бир байрат қилса, қанча пахта бўлса териб ташлайди. 1850 қўл кучи билан пахта терилиб, тумандаги ҳамма хўжалиқлардан олдин план бажарилди. Салимахон Йўлдошев, Нурия Тиллаева

Футбол

МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТГА КИЗИҚИШ ЯНАДА ОРТДИ

Терма жамоамизнинг Осиё олимпиадасида голиб чиқиши футбол мухлисларининг Ўзбекистон чемпионати ўйинларига бўлган кизиқини янада ортирди...



жаңговар дурағи (2:2) билан якуллади.

Қолган учрашуларда қўйидаги натижалар қайд қилинди: "Темирўлчи" - МХСК - 1:0, "Гулистон" - "Янгир" - 2:1, "Атласчи" - "Трактор" - 0:0, "Навбахор" - "Чирчиқ" - 2:0, "Нурафшон" - АСК - 2:0, "Орол" - "Сўғдиёна" - 2:1.

Шанба кунги ўтказилган навбатдаги тур учрашуларининг "Пахтакор" - "Нефтчи" ўртасидаги бешлашуи кизиқарли бўлиши кутилмоқда.

Учин турга икки дақиқа колганда Ж.Ирисметов "Политотдел"ни олдинга олиб чиқди. Бироқ бир дақиқа ўтмай "Нефтчи" ўйинчиси С. Андреев яна ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Учин турнинг марказий учрашуви Тошкент вилоятининг "Политотдел" ўйингоҳида бўлиб ўтди.

Table with 6 columns: U, Y, O, D, M, T-N, 0. It lists match results for various teams like Neftchi, Nurafshon, etc.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

БЕПУЛ ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЧОЙХОНА

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам ўрганса арзугилик янгилик. Эндликда Гиждувон шаҳридаги Абдуҳалиқ Гиждувоний маҳалласи чойхонасига таширф буюрган уруш ва меҳнат фахрийлари бепул чой ичдилар.

М. ОТАБОЙ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ташкилот Тошкентдаги омбордан юқори сифатли аудио-кассеталарни (BASF 60-90 минутлик ленталари билан) сотади.

Тўлов шарти исталган турда. Улгури ҳарид қилувчилар учун нарх туширилади. Маълумотлар учун телефонлар: 78-21-05, 78-45-16

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 31

ЎзТВ I 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Эъзо". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"Тошкент" студияси таништиради: "Политотдел"ни олдинга олиб чиқди. Бироқ бир дақиқа ўтмай "Нефтчи" ўйинчиси С. Андреев яна ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

ЎзТВ II

18.00 "Оқшом эртақлари". 18.10 "Ешлар ижоди". Илҳомжон Фармонов. 18.35 "Ислохот одимлари". 18.40 "Тараққиёт". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель". 19.30 "Истиқлол ва демократия". 20.00 "Совга". 20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 20.50 Ўйлоқлар. 20.55 Видео - "О". 22.35 "Курьер". 23.05 "Яна об-ҳаво ҳақида". 23.35 - 23.45 "Постфактум".

Сешанба, 1

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Самолёт қайтарилди". Бадий фильм. 10.15 "Нақшлар бўстони". Телефильм.

Пайшанба, 3

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Ўн уч терак кўчаси". Бадий фильм. 10.15 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.

Шанба, 5

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Хукумат". Бадий фильм. 10.35 Ҳужжатли экран. 11.45 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳожиқурбон Назаров.

Душанба, 31

ЎзТВ I 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўнгилари". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

Чоршанба, 2

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. "Команданглик соати". Бадий фильм.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлар ижоди". Илҳомжон Фармонов. 18.35 "Ислохот одимлари". 18.40 "Тараққиёт". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель". 19.30 "Истиқлол ва демократия". 20.00 "Совга". 20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 20.50 Ўйлоқлар. 20.55 Видео - "О". 22.35 "Курьер". 23.05 "Яна об-ҳаво ҳақида". 23.35 - 23.45 "Постфактум".

Пайшанба, 3

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Ўн уч терак кўчаси". Бадий фильм. 10.15 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.

Шанба, 5

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Хукумат". Бадий фильм. 10.35 Ҳужжатли экран. 11.45 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳожиқурбон Назаров.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.30 "Россия тароналари". Харис Шарипов куйлайди (Уфа). 18.40 "Ҳужжатлар ва тақдирлар". 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тизин пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Киноюлдуз". Армен Жигарханян. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Москва - Кремль". 22.00 - 23.50 Кино асри. "Қандай суюқли бўлиш мумкин". Бадий фильм (Польша).

Жума, 4

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Махфий сайр". Бадий фильм. 10.20 "Ешлик" студияси. "Ғазалхон ештиним". 11.10 Немис тили. 11.30 "Бола бошидан...". Мактабгача тарбия масалалари. 12.05 - 14.05 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Аёл борки, олам мунаввар". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўйлоқлар. 19.25 "Ешлик" студияси. "Бир ўлкай...". 20.00 Оқшом эртақлари. 20.25 Ўйлоқлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўйлоқлар. 21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион таллови. 22.00 "Оловнинг тизгинлангани". Бадий фильм. 1-серия. 23.20 - 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель". 19.30 "Истиқлол ва демократия". 20.00 "Совга". 20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 20.50 Ўйлоқлар. 20.55 Видео - "О". 22.35 "Курьер". 23.05 "Яна об-ҳаво ҳақида". 23.35 - 23.45 "Постфактум".

Пайшанба, 3

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Ўн уч терак кўчаси". Бадий фильм. 10.15 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.

Шанба, 5

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Хукумат". Бадий фильм. 10.35 Ҳужжатли экран. 11.45 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳожиқурбон Назаров.

Душанба, 31

ЎзТВ I 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўнгилари". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

14.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ўйлоқлар. 15.15 "Киношоҳ". "Тошкент" студияси таништиради: "ШАНБА ОҚШОМИДА" видеоканали:

Жума, 4

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Махфий сайр". Бадий фильм. 10.20 "Ешлик" студияси. "Ғазалхон ештиним". 11.10 Немис тили. 11.30 "Бола бошидан...". Мактабгача тарбия масалалари. 12.05 - 14.05 "Санъат сеҳри". Мусиқий видеоканал.

ЎзТВ II

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Аёл борки, олам мунаввар". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ўйлоқлар. 19.25 "Ешлик" студияси. "Бир ўлкай...". 20.00 Оқшом эртақлари. 20.25 Ўйлоқлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ўйлоқлар. 21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион таллови. 22.00 "Оловнинг тизгинлангани". Бадий фильм. 1-серия. 23.20 - 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ III

19.20 "Мультикарусель". 19.30 "Истиқлол ва демократия". 20.00 "Совга". 20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 20.50 Ўйлоқлар. 20.55 Видео - "О". 22.35 "Курьер". 23.05 "Яна об-ҳаво ҳақида". 23.35 - 23.45 "Постфактум".

Пайшанба, 3

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Ўн уч терак кўчаси". Бадий фильм. 10.15 "Унутилган ўйинлар". Телефильм.

Шанба, 5

ЎзТВ I 7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонги дам олиш кўрсатуви. 9.00 "Хукумат". Бадий фильм. 10.35 Ҳужжатли экран. 11.45 "Хотира". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ҳожиқурбон Назаров.

Душанба, 31

ЎзТВ I 17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бутун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ешлик" студияси. "Онамнинг ўнгилари". 18.55 Ўйлоқлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

Advertisement for 'Bepul Xizmat Qiladigan Choykhona' (Free service tea house) and 'Tashkilot Toshkentdagi ombordan yuqori sifatli audio-kassetalarni (BASF 60-90 minutlik lentalar bilan) sotadi.' (Organization in Tashkent sells high quality audio cassettes from the warehouse (BASF 60-90 minute tapes)).

ЮЗГА БУЙРАГИ БЎЛГАН АЁЛ

Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги маросимлари юртимизда кўп ёзув излар қолдириб...

Хар қайси юлдузнинг ўз рағиб, улардан таралган шовқинларнинг ҳам ўз ритмлари бўларкан...

Сифатида, асосан, образлар характери билан уларнинг фикрларини аниқлашда...

Изомовлева шундай қатта асарини уч кун ичида суратга ташвир қилган эришди...

Юлдузхон, аввало ўзи минг сонли муштарий-томошбинлар тизимида...

Юзга буйраги бўлган аёл — Шунинг учун ҳам ота-бона ҳақиқат бир-бирини уларнинг эҳтиёт қилиб юришган...

Юзга буйраги бўлган аёл — Мен эжа рақсларда ҳам, йирик асарларда ҳам рақсга ишда бўлиб туриб...

Юзга буйраги бўлган аёл — Ачинг бўлса-да, одинона савол бўлди. Назаримда, асарнинг бошдан охиригача...

Юзма-юз — Юлдузхон, аввало ўзи минг сонли муштарий-томошбинлар тизимида...

Юзма-юз — Шунинг учун ҳам ота-бона ҳақиқат бир-бирини уларнинг эҳтиёт қилиб юришган...

Юзма-юз — Мен эжа рақсларда ҳам, йирик асарларда ҳам рақсга ишда бўлиб туриб...

Юзма-юз — Ачинг бўлса-да, одинона савол бўлди. Назаримда, асарнинг бошдан охиригача...

КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЕКИ МАКОЛЛАР ИЗОХИ

Шанбадан жумагача

Сурхондарёда "Термиз-94" IV Халқаро шохмот фестивали ўтказилди.

Бухорода Марказий Осиё мамлакатлари Тиббиёт ходимларининг "Ҳамшира-94" Халқаро кўрик-танлов бўлди.

ХАЛИСЛАР

Ўзвучи ва таржимон Носир Қозилова 1992 йил таъсис этилган тинчлик ва маънавий бирдамлик учун Қозогистон Президенти мукофоти — Олтин медал топириди.

Эски Термиз харобалари яқинидаги Қоратепа горларидан бирода Будда ҳайкали топилди.

Сиздан ҳаракат, биздан маслаҳат — Етдан пайдо бўлган доллар куйидаги усулда тозалаш мумкин:

Яқинда "Ялға" давлат вокал-чолу ансамбли, Давлат телерадиокомпаниясининг Абдуллоҳим Исмомов бошлиқ маъмурият гуруҳи...

БЕВАФО ЕР — ЖОНИНГГА ДОР — Халқимиз яратган кўпгина мақолларда ер-дўст ташлаша...

ТАБАССУМ ҚИЛИНГ, АСАКАНГИЗ КЕТМАЙДИ — Дейл Карнеги тавсия этган ёқимлиликнинг олти шартидан иккинчиси, табассум қилиш.

САМАРҚАНД, 8 ИЮНЬ, 1868 ЙИЛ... — Андижон, Жиззах қўзғолонлари ҳақида эшитганмиз. Лекин Самарқанд қўзғолони ҳам бўлган дейишди.

ОЛДИН ЭСА ОДАМЛАРДАН НАРИДА ЮРИШАРДИ — Бангладеш вилояти ўрмонларида одамхўр йўлбарслар пайдо бўлган ховирча сир бўлиб турибди.

ОБ-ХАВО — Дада, Карл Маркс ким бўлган? — Ниҳоят десам экан, ҳам...

РЕСПУБЛИКА ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИНИНГ БОШИНА РАШО ШОИЕВА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: — Октябрь ойининг об-ҳаво ўтган йилларга нисбатан бироз иссиқ келди.

КИЧКИНА БОШҚОТИРМА — Қандай учта соннинг кўпайтмаси узарини йиғиндисига тенг бўлади?

МИНГ ЕШИЛИ КАШТАН — ХИТОЙНИНГ — Аньхой музофотидаги Луньвэй қишлоғида "амагган" каштан минг ешидан ошди.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО — МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси